



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Маҳалла

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

Жамият барқарорлигининг муҳим омили

Президентимиз Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи жойларга кенг ўрганилмоқда

Мамлакатимиз мустақил тараққиётининг чорак асри давомида нафақат иқтисодий жиҳатдан барқарор, балки ўзига хос адолатли жамият барпо этаётган давлат сифатида дунёга танилди. Бунда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Зеро, бунинг моҳиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинадиган, юрtdошларимиз салоҳиятини юзага чиқариш учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган кучли, адолатли ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш муҳим мезон этиб белгиланган.

Ортимизда жамоатчилик назорати институти қарор топгани барча соҳаларда очиқлик, ошкоралик, шаффоқлик таъминланиши, пировардида одилона иш юритилишига кенг йўл очмоқда. Бунга жаҳон амалиётида биринчи бўлиб Ўзбекистоннинг Асосий қонунда ушбу институт ҳуқуқий мақоми мустаҳкамлангани пухта замин яратди.

Кўриниб турибдики, бундай шароитда қилинаётган ҳар бир иш жамоатчилик эътиборида бўлади. Бу жараён ўзини шу заминнинг фарзанди деб билган ҳар бир инсон, айниқса, раҳбар кадрлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Улар эл-юртни ўйласа, унинг фаровонлиги, тинчлиги, келажаги учун фидойилик кўрсатса, бу ҳеч қачон давлатнинг, асосийси, халқ назаридан четда қолмайди.

Президентимизнинг халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқини тинглаб шу фикрлар ҳаёлимдан ўтди. Кейинги уч йилда вилоятимиз бўйича юз нафарга яқин элимизнинг муносиб фарзандлари Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирлангани бунинг амалий ифодаси эмасми?

Бундай хайрли ишлар миқёси мамлакатимиз бўйлаб янада кенг. Дилида ватанпарварлик, қалбда иймони бор одам борки, ана шундай инсонларга ҳавас қилади, улардан ибрат олади.

Шу ўринда алоҳида таъкидламоқчиманки, мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб давлатимиз раҳбари жамиятда адолат барқарорлигини таъминлаш, бунда

мансабдор шахс масъулияти ҳақида доимо қатъий талабларни қўйиб келган. «Халқ ҳар қандай қийинчиликка бардош бериши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди!», деган фикрлари қанчалик халқчил, одамлар кўнглидаги гап эканлигини таърифлашнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Масъулиятли лавозим ишониб топширилаётган шахслар бунинг кўнглига, виждонига жо этса, ҳеч қачон адашмайди. Вилоятимизда шу борада айрим ноҳуш ҳолатларга йўл қўйилгани, кўпгина йўналишларда ечилмаган муаммолар, камчилик ва нуқсонларнинг танқид остига олингани таассуфланарлидир.

Зеро, заминимиз ҳақиқатан катта ресурсларга жуда бой. Булардан унумли фойдаланиш, фаолиятимизни замон талаб қилаётган даражада ташкил қилиш зарур. Бу борада вилоятнинг кенг жамоатчилиги юқорида айтиб ўтилганидек, жамоат назорати институти ваколати ва имкониятларидан ўз ўрнида фойдаланишни янада кенгайтириши мақсадга мувофиқ.

Президентимиз вилоятимизнинг ерлари ҳақида жуда ўринли фикрни билдирди. Дарҳақиқат, «тупроғи зар» деган таъриф кўпроқ бизнинг заминга тегишли. Шўрланмаган, ён-атрофи етарли сув манбаларига эга энг унумдор ерлардан унумли фойдаланиш, бу борада барча ресурсларни ишга солиш зарур.

Ернинг тилини билладиган мутахассисларнинг ёнига аграр соҳага оид замонвий билимларни чуқур эгаллаётган ёшларни, маҳсулотларни қайта ишлаш соҳасининг етук мутахассисларини жалб қилиш, уларнинг фаолиятини бирлаштириш фойдалан холи бўлмайди.

Бир сўз билан айтганда, Юртобимизнинг аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, бу йўлда барча куч ва имкониятларни сарфлар этиш, масъул шахсларнинг бури ва масъулияти ҳақидаги фикрларидан тўғри хулоса чиқарилиши керак. Бу борада фаоллар, жамоатчилик, бутун аҳоли кўлини-қўлга бериб фидокорона меҳнат қилиши шарт.

Нурмухаммад АБДУЛЛАЕВ, «Нуроний» жамгармаси Тошкент вилояти бўлими раиси. ЎЗА.

ЎҚУВ-СЕМИНАРЛАР



Б.Тоғоев олган сурат.

Маҳалла тинчлиги, оилалар мустаҳкамлиги, фарзандлар истиқболи маслаҳатчи фаолиятининг бош мезонидур

Фуқаролар ўғинларининг диний таърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари бугунги кунда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ёш авлодни баркамол бўлиб улғайтишига ҳисса қўлиши, тўй-маъракаларни ихчам ҳамма камхарж ўтказишдек долзарб вазифаларни бажариб келишмоқда. Шу боис уларнинг билим ва малакаларини муттасил ошириб бориш — давр талаби.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Вазирлик Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Тошкент ислом университети, Фуқаролар йиғинлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамкорлигида жойларда ташкил этилаётган ўқув-семинарлари маслаҳатчиларнинг фаолиятини янада такомиллаштиришда кўл келаётир. Сирдарё вилоятида ўтказилган

намунавий ўқув-семинар нафақат Гулистон шаҳри, балки ҳудуддаги барча маҳалла фаоллари учун унутилмас воқеа, галдаги тadbирлар учун андоза бўлди. Мирзаобод, Гулистон туманлари ҳамда Гулистон, Янгиер, Ширин шаҳарларида фаолият юритаётган диний таърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар илгор фикр-мулоҳазаларни қизиқиш билан тингладилар.

(Давоми 2-бетда).

САРҲИСОБ

Таҳлилий, танқидий ёндашув фаолиятда самара беради

Ҳар қандай меҳнат самараси сарҳисоба аён бўлади. Айни кунларда ҳудудларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлимларининг ўтган йилги фаолият якунларига бағишланган сарҳисоб йўналишлари давом этаётир.

Тadbирларда бир қатор саволларга жавоб изланди: 2015 йилда қандай ютуқларга эришилдию, қайси йўналишларда камчиликлар кузатилди? Жорий йилги режалар нималардан иборат ва уларни амалга оширишда қандай йўл тутган маъқул?

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий вилояти бўлими бошқарувининг сарҳисобига бағишланган йиғилишда бошқарув раиси Н.Исоқов маъруза қилди.



(Давоми 2-бетда).

«МАҲАЛЛАМ — МЕНИНГ ФАҲРИМ!»

Сўзда ҳикмат, шеърда сеҳр бор

«Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилга муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юртимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз».

Ислам КАРИМОВ.

«Юксак маънавият — енгилмас куч» асаридан.

Алишер Навоий бутун ҳаёти давомида инсоннинг бахту саодати учун курашган, халқнинг осойишталиги, илм-фан, санъат ва адабиёт тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатган буюк шахсдир. Шу боис шоирнинг ибратли ҳаёти, серқирра ажойиб, илм-фан ривожини йўлидаги оламшумул ишлари бугун ҳам жаҳон аҳлини хайратга солмоқда.

Президентимиз томонидан 1991 йил

юртимизда Алишер Навоий йили деб эълон қилингани замирида улкан рамзий маъно мужассам, албатта. Чунончи, Навоийнинг асарларида тараннум этилган маънавий камолот, тинчлик ва фаровонлик, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, яратувчанлик, юрт ободлиги каби эзгу ғоялар Ватанимизнинг буюк келажagini барпо этишда мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда.



Мамлакатимизда ҳар йили қабул қилинаётган Давлат дастурларининг мазмун-моҳияти шоир ижодида улугланган оналар соғлигини асраш, фарзандлар барка-

моллигини таъминлаш, юрт равнақи, осуда ва фаровон ҳаёт, жамиятдаги барқарорлик, ўзаро тотувлик ва аҳдлик, меҳроқибат каби эзгу ғояларга ҳамроҳандир.

Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги арафасида навоийшунос олима, «Эл-юрт хурмати», «Буюк хизматлари учун» орденлари соҳибаси, Ўзбекистон Қаҳрамони Сўйима ҒАНИЕВА бизга шоирнинг, мана, 5 асрдан кўпроқ вақт ўтса ҳамки, ҳамон долзарблигини ўқотмаган, одамийлик, хайр соҳоват, меҳроқибат каби юксак инсоний фазилатларига уйғун мероси ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Шоир асарларининг қуёшга, уммонга, тутанмас ганжга қиёсланиши бежиз эмас. Зеро, унинг ижодида инсониятга муҳаббат, яхшилик, тўғрилиқ, поклик, илму ҳунар, гўзаллик, ота-онага меҳр, устозга эҳтиром, дўстликни қадрлаш каби олижаноб тушунчалар мукамал талқин этилган. Шоир асарларидаги илгор ғоялар сўнмас ва боқий ха-

зина бўлиб қолаверди.

Навоий айтиди: «Ёшлиқ — ҳаёт гулшанининг баҳори, мана шу пайтдан ҳаётнинг асосини яратиш керак». Бу фикрининг замирида катта маъно бор. Инсон умрининг баҳори бўлиши ёшлиқни шоир ниҳоятда катта маҳорат билан таърифлайди. Навоий дostonларидagi Фарҳод ва Искандарнинг ёшлигини кўз олдигизга келтириб, қандай чиройли таърифлар битилган.

Камол эт касбим, олам уйишин, Санга фарз ўлмағай гамнок чикмоқ. Жаҳондин нотамом ўтмак бийини, Эрур ҳаммомдин нопок чикмоқ.

Ушбу қитъада дунёга келган ҳар бир инсоннинг камолотга эришиши унинг эзгу орзуси бўлиши кераклиги баён этилган. Шоир бу ёруғ оламга келиб мақдасиз яшаган, инсонийлик хислатларида узокда бўлган киши оламни гамгин, қайғули тарк этишини ўқтирган.

(Давоми 3-бетда).

ФОНД КўМАГИДА

Эътибордан кўнгиш шод

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Зокир бобо Қодиров Кумқўрғон туманидаги «Саховат» маҳалла фуқаролар ўғинида истиқомат қилади.

Уруш оловида ёнган мусибатли кунларни, армон домига фарқ бўлган орзуларни ёлга олиш бобо учун оғир, албатта. Ўқ ёмғирлари остида жонини ҳам кўзига кўринмай, фақат галабага умид боғлаб омон қолган Зокир бобо бугунги дориламон кунларнинг гувоҳи бўлаётганидан мамнун. Ҳар кун эрта тонгла уйғониб мусаффо осмон, тинч замонда яшаётганидан миннатдор нуроний шукрона келтиради.

— Бағрикенг, меҳмондўст, ўй-қилганни суяшни бурчи деб билгучи юртла, шундай маҳаллада яшаётганимдан бахтиёрман, — дейди Зокир бобо Қодиров. — Барака топшисин, маҳалламиз фаоллари келиб, уй-жойимизни таъмирлаб бериши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлиммаси ёрдамида жиҳозларга эга бўлиш. Мактабда тахсил оладиган набираларим учун алоҳида янги дарсхона қуриб берилгани айни мудабо бўлди. Хонадонимизда барча шароит бор. Мунтазам йўқлаб турадиган, бизни қўллаб-қувватлаб, соғалгимиздан хабар бердиган маҳалла фаолларининг борада шукр. Салооматлигимизни тиклаш учун қилган мурожаатим ҳам эътиборсиз қолмади. Тошкентдаги «Нуронийлар» санаторийида ўн кун даволаниб қайтдим. Мену ҳар доим давраларнинг тўрига ўтқазилди, ҳурмат-иззат қилишади. Бундай эътибор ва ғамхўрликдан кўнглим тоғдек кўтарилди.

Дарҳақиқат, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган ва боқувчисини ўқотган оилаларга кўрсатаётган ғамхўрлиги эътиборга моликдур. Хусусан, Фондининг Кумқўрғон тумани бўлиммаси томонидан 5 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисининг уй-жойлари таъмирлаб берилди. Фонд мутасаддилари томонидан ўтказилган кам таъминланган оила фарзандларининг никоҳ тўйлари бошқараларга ибрат бўлди.

— Ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож фуқароларга моддий ва маънавий ёрдам қўлини чўзиш асосий мақсадларимиздан бири, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Кумқўрғон тумани бўлиммаси раиси Тўлқин Ўрозов. — Ўтган вақт давомида туман миқёсида ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож оилаларни ўрганиб чиқиб, уларга режа асосида ёрдам қилаймиз. Хусусан, маҳаллалар кесимида 21 нафар фуқарога соғлигини тиклашлари учун имтиёз сифатида санаторийларга йўланма бердик. Худуддаги кам таъминланган, боқувчисини ўқотган оилаларнинг ижтимоий аҳоли ҳам эътиборимиздан четда қолмаётгани йўқ. 18 нафар эҳтиёжман оила фарзандлари учун мавсумий кийим-кечак олиб берган бўлсак, 35 та кам таъминланган оилага 12 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларни туҳфа этдик. Умуман олганда, туманимиздаги фуқароларни моддий ва маънавий жиҳатдан кўмак бериш ишлари режа асосида кўмак берилмоқда.

Албатта, Фонд томонидан амалга оширилган бундай эзгу ишлар юртимизда инсон қади нечоғли улғу эканининг ёрқин ифодасидур.

Нигина ШОЕВА «Mahalla»



САРҲИСОБ

Таҳлилий, танқидий ёндашув
фаолиятда самара беради

(Давоми. Боши 1-бетда)

Айтиш жоизки, «Кексаларни эъзоллаш йили» Давлат дастурининг 22 та банди бўйича «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ижрочи, 4 та банди бўйича эса асосий ижрочи қилиб белгиланган эди. Ана шу вазифаларни бажариш мақсадида Фонднинг вилоят бўлими томонидан 773,5 миллион сўм маблағ сарфланди. Жумладан, маҳаллаларда истиқомат қилаётган нурунийлар, яқка-ёлғиз қариялар ва беморлар ҳолидан мунтазам хабар олиш, уларнинг кўнгилни кўтариш мақсадида барча фуқаролар йиғинларида алоҳида режа-дастурлар ишлаб чиқилди ва ижроси таъминланди. Уруш қатнашчилари, Мурувват уйда яшовчилар, фронт-орти меҳнат фахрийлари учун ҳомийлар ёрдамида совғалар, тарихий жойларга саёҳатлар ташкил этилди. Маҳаллаларда отахонлар учун шахмат-шашка ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилиб, голиб ва совриндорлар рағбатлантирилди.

Шунингдек, тадбир давомида соҳа ходимларининг иш самардорлигини рейтинг баҳолаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилиб, 147 та фуқаролар йиғини намунали, 153 та йиғин ўртача, 41 таси эса қоникарсиз фаолият юритмоқда, деган хулосага келинди. Иш фаолияти қоникарсиз деб топилган фуқаролар йиғинлари ходимлари учун семинар-тренинглар ўтказилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлимида ўтказилган бошқарув йиғилишида ортада қолган йил давомида меҳнат миграциясининг олдини олишга қаратилган 16 мингга яқин тарғибот-тушутириш ишлари олиб борилгани таъкидланди. Одам савдосига қарши курашиш ҳам йиғин фаолларининг кундалик ишига айланган. Шу мақсадда вилоятдаги маҳаллаларда 2600 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари фаолияти йўлга қўйилгани ҳамда 94639 та янги иш ўрни яратилишига қўмақлашилгани эътирофга лойиқ.

Фонд томонидан маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар бажарилди. Хусусан, фуқаролар йиғинларига 141 та компьютер, 259 та мебель жамланмалари олиб берилди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган бугунги йиғилишда оқимизда турган вазифалар кўлами ҳамда жойларда учраётган муаммолар ечим ҳақида аниқ тушунча ва тасаввурга эга бўлди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Булунғур тумани бўлими раиси Алишер Шодмонов. — Йиғилишда билдирилган фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугун Фонд тизимида раҳбар кадрлардан



тортиб, оддий мутахассисларга — барча янада шижоат билан иш олиб бориши талаб этилади. Чунки кучли фуқаролик жамияти куриш йўлидан бораётган юртимизда фуқаролар йиғинларининг ваколатлари ортиб бораверади. Табиийки, бу борда уларга кўпроқ услубий ёрдам беришимиз зарур.

Йиғилишда бауи ютуқлар хотиржамликка, сусткашликка асос бўлмастлиги таъкидланди. Фаолият йўналишлари бўйича сўз олганлар 2015 йилда жойларда йўл қўйилган баъзи камчиликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари хусусида ҳам тўхталиб ўтишти.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими ҳисобот йиғилишида фидокорона меҳнати ва муносиб ҳаёт йўли билан намуна бўлиб келаётган 100 ёш ва ундан катта ёшдаги кишилар иштирокида «Аср билан юзма-юз» мавзусида 200 дан зиёд тадбир уюштирилгани айтиб ўтилди. Кекса авлод вакиллари иштирокида «Кекса авлод — оила таянчи», 50 йилдан ортиқ биргалликда ақлиноқ яшаб келаётган оилалар билан «Меҳр-муҳаббат ва тоғувликда кечаётган узоқ умр» мавзусида уюштирилган 600 дан зиёд учрашувлар ёш оилалар учун ибрат вазифасини ўтади, дейиш мумкин.

Бугун пойтахтимизда амалга оширилган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини санаб адоғига етиш қийин. Бундай эзгу ишларда Фонд бўлимлариининг ҳиссаси катта экани эътиборга молик. Хусусан, ўтган йили Фонд ва ҳомийлар қўмағида 43 та фуқаролар йиғини биноси жорий ва капитал таъмирланиб, қайта реконструкция қилинди, 4

таси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Маҳаллалар ҳудудидаги 119 та болалар майдончаси таъмирланди, 32 таси янги бунёд этилди.

— 2015 йили «Маҳалла зиёси» республика ўқув-услубий маркази томонидан тайёрланган 13 номдаги қўланма ва тавсиялар, оммабоп рисоалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самардорлигини оширишга хизмат қилаётди, — дейди Фонднинг Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Аҳор Фўломов. — Шундай бўлса-да, жойларда ўтказилган таҳлил натижалари тизимда муаммо ва камчиликлар борлигини кўрсатди. Шунини инобатга олиб, жорий йилда маҳалла фаолларига услубий-амалий жиҳатдан қўмақлаштириш янада кучайтирамиз.

Бошқарув йиғилишлари доирасида жорий йилнинг май-июнь ойларида ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини уюшқоқлик билан ўтказиш, соҳага оид дастурлар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш, ижро интизомига қатъий риоя қилиш, муносабатларни вақтида қаноатлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилиш сўнггида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қизғин фикр-мулоҳазаларга бой кечган ҳисобот йиғилишлари Фарғона ва Тошкент вилоятларида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди.

Мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

ДАВР ТАЛАБИ

Мақсад ва муваффақиятга
эришиш билим ва малакага боғлиқ

Оамларнинг хотиржам яшаётгани бу юртамда тинчликдан, турмушдаги фаровонликдан дарак беради. Бугун мамлакатимизнинг қай бир гўшасига борсангиз, фарзандларини яхши ниятда тарбиялаётган, ўсиб-уфайтираётган замонадошларимизнинг фикр-мулоҳазаларидан шукроналик ҳиссини туясиз. Уларнинг келажакка шонч билан қараётганига, яхши орзулар оғушида ҳаракат қилаётганига гувоҳ бўласиз.

Мамлакатимизда маҳалла тизими аҳолининг ана шундай осуда ва тинч умреуздорлик қилишини таъминловчи ноёб институт сифатида майдонга чиқди. Иш сайин тобора шаклланиб, такомиллашиб бораётган маҳалла фуқаролар йиғинлари кучли фуқаролик жамиятига ўтишининг ноёб тизими сифатида эътироф этиляпти.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида ҳуқуқий давлат ваколатларини демократик тамойиллар асосида амалга ошириши учун кенга ва қўлай имкониятлар яратилди. Ўзaro ижтимоий муносабатлар мувозанатини таъминлашда, жамоатчилик назоратини фаоллаштиришда фуқаролар йиғинлари ходимларининг касбий салоҳиятларини ошириши ҳаётнинг ўзи тақозо қилди. Бу масала Президентимизнинг 2013 йил 13 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан ижобий ечимини топди. Шу кунга қадар биргина Андижон шаҳридаги 74 та фуқаролар йиғинида хизмат қилаётган раис, масъул котиб, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ва «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарларининг аксарияти ўқув курсларида билим ва тажрибаларини янада мустаҳкамлади.

Бундан ташқари, барча йиғинлар мебель жиҳозлари ҳамда компьютер жамланмалари билан таъминланган иш самардорлигини таъминлаш ишлари муҳими, Фонд билан фуқаролар йиғинлари ўртасидаги икки томонлама манфаатли ҳамкорлик мустаҳкам негизга эга бўлди.

Қўлида Андижон шаҳридаги айрым фуқаролар йиғинлари мутасаддиларининг фаолиятидаги илгор тажрибалари, тизимдаги ўзаро иш ва янгилашларга бўлган муносабатлари билан танишасиз.



Наргиза ЭРНАЗАРОВА,
Андижон шаҳридаги «Тараққий-ёт» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Маҳалла шундай гулшанки, бу бири-бирига устоз, бири-бирига муаллим, бири-бирига оқибатли инсонлар тарбиячи бўлган одилоналар.

Фонднинг шаҳар бўлимига томонидан тақдим этилган 12 номдаги услубий қўланма раис сифатида менга ва барча комиссиялар аъзоларига иш фаолиятимизда қўл келяпти. Тўғри, моддий-техник базамиз яхшиланди, мебеллар олди. Мен учун муҳими, ана шу услубий қўланмаларнинг ўз вақтида йиғинларга тарқатилаётганидир. Очиги, кундалик ишимизда бирон-бир муаммога дуч келсак дарҳол ана шу қўланмалардан жавоб излаймиз. Назаримда, бундай адабиётларни янада бойитиш ва кўпайтириш керак.

Фикрдан фикр унади деганларидек, ўқув қўланмалари билан танишиш асосида бизда ҳам бир қатор ташаббуслар пайдо бўляпти. Масалан, маҳалламизда 8 нафар қиз ва 6 нафар ўсмирдан иборат «Мад» гуруҳи тузганмиз. Гуруҳга Андижон давлат университетига таҳсил олаётган талаба раҳбарлик қилди. Гуруҳ аъзолари, асосан, кексалар, боқувчисини йўқотганлар, ногиронлар хонадонларига бориб, уларнинг коммунал тўловларига ва рўзгор юмушларига қўмақлашади. Маҳалла кутубхонаси ҳам анча бойиб қолди. Унда, асосан, ўзбек ва

рус тилларидаги адабиётлар, соҳага оид қизиқарли китоблар бор. Ҳар йили китоб фондиди янгилаб бораемиз. Бу борда ҳудудимизда яшайдиган тадбиркорлар, оилавий бизнес билан шуғулланган ҳомийлар қиёдан ёрдам кўрсатаётди.

Кексаларни эъзоллаш йилида катта ёшдагилар учун спорт бурчаги ташкил этилди. Унда стол тенниси, шахмат-шашка билан шуғулланиш мумкин. Ёш оиларида волейбол майдончамиз ҳам ишга тушади.

Яна бир янгилик шуки, уй бекаларининг кайфиятини кўтариш, руҳини тетиклаштириш ҳаётга бўлган қизиқишларини ортириш мақсадида ҳафтанинг бир кунини «Соғломлаштириш кунини» деб белгиланганмиз. Бунда психолог ёрдамида ашула ва рақслардан, қизиқарли суҳбатлардан иборат машғулотлар ўтказилади.

Энди уй бекаларидан саломатлик гуруҳларини очиб бўйича таклифлар тушяпти. Биз бу мулоҳазаларни ҳам эътиборга олдик. Ҳозирнинг ўзидаёқ ана шу гуруҳларга қатнашиш иштиғқини билдирган кекса ва ёшларга алоҳида спорт либослари учун буюртма бердик.

Фаррух СОДИҚОВ,
Андижон шаҳридаги «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари:

— Маҳалла тизимида «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг ташкил этилгани ҳудудда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда муҳим аҳамият касб этипти. Фаолият бошлаганимга эндигина 1,5 йил бўлган бўлса-да, атрофимда ўн-дан зиёд кўнгиллилар жинслашган. Ҳудуддаги «Тошметал» ва Ёг-мой масъулияти чекланган жамиятлари, болалар боғи, «Орзу» ресторани, 1- ва 10-умумтаълим мактаблари доимий эътиборимизда. Яқинда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларида билимимни оширдим. Вилоят ички ишлар бошқармаси ходими Гулнора Абдувоҳидова томонидан «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарларидан иборат тингловчиларга ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир этувчи оимларнинг олдини олишда профилактика инспекторлари, тегишли давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш, паспорт тизимини такомиллаштириш, аҳоли ўртасида одам савдосининг олдини олиш борасидаги ҳамкорликка қаратилган маъруза менда катта таассурот қолдирди. У ерда олган билимларимни тузилма аъзоларига ҳам айтиб бердим.

Мухтасар айтганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг билим ва малакасини янада ошириш юзасидан доимий ғамхўрлик кўрсатилаётганини ҳамма қалбдан эътиб турибмиз.



Мамюра НИЗОМОВА,
Андижон шаҳридаги «Ёрбоши» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси:

— 2015 йилнинг 12 август куни фонднинг Андижон вилояти бўлими томонидан мебель жамланмаси ҳамда компьютер технологиялари

билан мукофотландик. Қўлай иш шароитининг яратилиши кайфиятимизни кўтариб юборди. Ҳудудимиз Андижон шаҳрининг «Жаҳон бозори»га яқин бўлгани учун аҳоли кўпроқ оилавий тадбиркорлик билан шуғулланади. Айниқса, Ёрбоши, Шимолий, Найман, Беруний, Райҳон, Ёрдам кўчаларидаги фуқаролар касаначилик, тикувчилик, мебелсозликнинг ҳадисини олишган. Шунинг учун маҳалламизда бекорчи одамни тополмайсиз.

Яқинда Ёрбоши ва Найман кўчаларига ичимлик сув тармоғи тортилгани аҳолига яна бир қўлайлик туғдирди. Тўғри, илгари ҳам бундай имкониятлар бор эди, энди эса янада кенгайтирилди.

Мен ҳам Фонднинг шаҳар бўлими томонидан услубий адабиётлар билан таъминланаётганимизни қайд этмоқчиман. Биргина мисол, маҳаллада тўй ва бошқа маросимларни тартибга солишда комиссияга назарати ва истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиш бўйича комиссия аъзолари ҳар бир масалада ўзларининг далил фикрини айтишяпти. Тўйлар ҳам, бошқа тадбирлар ҳам айна уларнинг фикр-мулоҳазаларига таянган ҳолда ўтказилапти.



Шоҳидахон ВАЛИЕВА,
Андижон шаҳридаги «Бунёдкор» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби:

— Маҳалла — турли миллат вакилларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, хоҳиш-иродаси тенг таъминланган умумий уй, ақил оила!

Мен маҳалламиз ташкил этилгандан бунён масъул котиблик вазифасини бажариб келяман. Шу давр мобайнида бой тажриба орттирдим, деб ўйлар эдим. 2015 йили ўқув курсларида бир ҳафта таҳсил олиб тушундимки, маҳалла институтининг ҳали биз билмаган, ўрганишимиз зарур бўлган жиҳатлари кўп экан.

Маҳалламиз Андижон шаҳридаги энг йирик аҳоли пунктларидан саналади, унда қарий 13 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Оилаларимизнинг ўзи 3,5 мингга етиб қолди. Албатта, тўрт киши бундай катта маҳаллани бошқариши осон эмас. Лекин бевосита Фонднинг шаҳар бўлимига, қолаверса, маҳаллалар қўшидаги 8 та комиссиянинг доимий ёрдами билан ҳудуддаги тинчлик-осойишталикни таъминлашга эришяпмиз.

Шаронтимиз ёмон эмас. Идорамизда эркин фаолият юритиш учун барча қўлайлик яратилган. Мебель жамланмаси, компьютер технологиялари билан таъминланганмиз. Ўтган йили 72 нафар кам таъминланган оилага моддий ёрдам берилди. Фонд ва ҳомийлар иштирокида чин етим Достон Раҳмоновнинг никоҳ тўйини ўтказдик. «Кексаларни эъзоллаш йили» Давлат дастурига биноан, Нина Усольева, Зулхумор Қодирова каби муътабар қарияларимизга алоҳида эътиҳор кўрсатилди. Уларга моддий ёрдамдан ташқари, байрам тадбирларига таклифномалар берилди.

Дарвоқе, юқорида фаоллар томонидан тизим фаолиятини янада мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлиги ва осойишталигини таъминлашда рўйбега чиқарилаётган ишлар самардорлигини кучайтириш, берилаётган имкониятлардан кенг фойдаланиш юзасидан бир қатор фойдали таклифлар бидирилди. Энг муҳими, маҳалла тизими аҳоли манфаатлари устуворлигига хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Бу мулоҳазалар эса ўз навбатида юртимиз маҳаллаларидаги фаровон ҳаёт барқарор эканидан далолатдир.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ
«Mahalla»

ЎҚУВ-СЕМИНАРЛАР

Маҳалла тинчлиги, оилалар
мустаҳкамлиги, фарзандлар истиқболи

маслаҳатчи фаолиятининг бош мезонидир



(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда вилоятда бой ҳаётини тажрибага эга, миллий ва диний анъаналар, урф-одатларни ривожлантириш борасида маслаҳатчилар фаоллик кўрсатишмоқда. Уларнинг сай-ҳаракатлари билан биргина Кексаларни эъзоллаш йилида 5690 марта маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Оилаларни мустаҳкамлашга доир 4900 марта, эрта никоҳнинг салбий оқибатлари тўғ-

қушилди.

— Ўқув-семинарларда нафақат билимларимиз, балки масъулиятимиз ҳам ошаётди, — дейди Гулистон шаҳридаги «Истиклол» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулсара Фарзалиева. — Айниқса, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича қўмита масъул ходимларининг маънавий кадриятлар, маданиятимиз ва урф-одатимизга мутлақо ётғиларнинг тарқалишига қарши кураш, баркамол авлодни тарбиялашга доир аниқ асосли мулоҳазалари бизни чуқур мушоҳадага чорлади, фаолиятимизга самаралар ва таъсирчан усулларни жорий этишга туртки берди.

Жиззах шаҳрида ташкил этилган ўқув-семинарларда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари қатор долзарб мавзудаги маърузалар тинглаш баробарида ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам баён этишлари, диний, маърифий ва маънавий тарбия масалаларида

аниқ тавсияларга эга бўлидилар.

— Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси маҳалланинг бош тарбиячиси деб таъриф бериш ҳар жиҳатдан тўғри, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти бўлими бош мутахассиси Ниғора Усмонова. — Шу боис маслаҳатчиларнинг билим ва малакаларини ошириш Фонднинг доимий эътиборида бўлиб келяпти. Семинар иштирокчиларига маҳаллаларда экстремистик оқимлар ғоялари тарқалишининг олдини олиш ҳамда минтақадаги барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солаётган турли мафкуравий хуружлар, террорчилик ҳаракати ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Эл-юрт тинчлиги, маҳаллалар, оилалардаги маънавий барқарорликни таъминлашдек долзарб мақсадлар сари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларни бирлаштирган ўқув-семинарлари республикамиз бўйлаб уюшқоқлик билан давом этаётди.

Мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.



«МАҲАЛЛА — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА»

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур

Муҳтарам Президентимиз ҳар бир чиқишларида, албатта, биз, ёшларга қарата: «Ҳаммангиз менинг болаларимсизлар», «сизларга ишонман» дея самимий сўзлар билан мурожаат этидилар. Мен бундан юртда турулган кетаман.

Албатта, Юртбошимизнинг ўзи бизни қўллаб-қувватлаб турган экан, баркамол инсонлар бўлиб вояга етишимиз учун бор имкониятлар ишга солинаётган экан, бундан фахр тузимиз. Шу боис келажакка ишончимиз баланд, кўнгиллимиз хотиржам.

Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!» деган широр билан бошланган кенг кўламли ислохотлар бугунда ҳам самаралар бераётгани, кўплаг тенгдошларимиз, ака-опаларимиз дунёга Ватанимиз шухратини ёяётгани ана шу сабб-ҳаракатлар мевасидир.

Диримизда фарзанд дунёга келса, отанинг қувончи ичига сиймайди. Болани ўстириб, вояга етказиб, маълум касб ёки ҳунар эгаси қилиб, уй-жой билан таъминламоқчи ота-она тиним билмайди. Халқимиз аздалан орзу-ҳавасини, эзу умидларини фарзандни камоли билан боғлайди. Қарангки, ушбу қадрият Бош Қомусимиздан ҳам мустақам ўрин олиб, ота-оналар фарзандлари вояга етунига қадар уларни тарбиялаш, парвариш қилишга бурчли



эканлиги мустақамланган.

Бошқа мамлакатларда эса аксинча: бола балоғатга етими, ўз кунининг ўзинг кўр қабилида уни мустақил қилиб қўйишади. Айрим чет эл фильмларида кино қаҳрамони, «олижаноб инсон» ота-онасини учратиб қолса, пешонаси тиришиб кетади. Уларнинг ҳолидан хабар олиш ҳақида эса ўйлашни ҳам истамайди. Оилавий муносабатларда эр ва хотин доимо кўнгил амрини маъқул қўришади. Халқимиз болажон, меҳр-оқибатли. Ахир, урушга қузатган турмуш ўртоғини бир умр кутиб ёки болаларнинг кўнгил ўксимасин деб ёш умри ёлғизликда ўтган бева аёллар ҳар бир маҳалла, ҳар бир қишлоғу шаҳарда бор-ку. Нафақат ўз болалари, балки бутун маҳалла-қўй, барча

қишлоқ болаларини ўз фарзандидек билиб, уларнинг камоли учун ҳамжихат фикр юртадиган юртдошларимиз қанча! Ёшларнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун бутун маҳаллаларда замонавий жиҳозланган таълим муассасалари хизмат кўрсатмоқда, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги, «Ота-оналар университетлари», «Орас-та қизлар давраси» тўғрақлари, фуқаролар йиғинларининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялари ушқоқлик билан иш олиб бормоқда.

Бола тарбиясида маҳалланинг ўрни беқийсизлигига ўзим гувоҳ бўлганман. Ахир, эрта тонгда туриш, ҳовлиларни супуриб-сидириш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда бўлиш, ёрдамга муҳтожларга кўмак

бериш, тўй-маъракаларда хизмат қилиш, ширинсўзлик каби фазилатларни биз маҳаллада ўрганишимиз, ўзлаштирамиз.

Мен «Пахтакор» маҳалласида истиқомат қиламан. Маҳалламиз туман марказида жойлашган. Марказий шифохона, дорихоналар, «Гўзаллик салонлари», чойхона ва тўйхоналар жойлашгани учун ҳудудимиз доимо гавжум. Маҳалладошларим меҳмондўст, бир-бировга гамхўр кишилар.

Нуронийлар — хонадонларимиз фаршталари. Учрашиб қолганда кексаларга тавозе билан салом берамиз. Шунда улар: «Кўп яшанглар!», «Умрингиздан баракат топинглар!», «Дунё тургунча туринглар, болаларим!» деб бизни дуо қилишади. Мақалламизда ташкил этилган талбирларда Ватанимизнинг мустақиллиги ўз-ўзидан қўлга киритилмагани, бунинг учун фидойи кишиларнинг хизмати, жасорати асос бўлгани, шу юртни деб жон берган қаҳрамонлар ҳақида ҳикоя қилишади. Ана шунда мен бу юртга муносиб фарзанд бўлиш, унинг келажиги йўлида бор куч ва билимимни сафарбар этишим кераклигини ҳис қиламан. Мақсалларим рўёбга чиқиши учун астойдил ўқиб-изланаётirman.

■ **Мухтасар ҲАБИБУЛЛАЕВА, Наманган вилояти Поп тумани «Пахтакор» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Юқалиш» жамоаси аъзоси.**

(«Маҳалла — менинг тақдиримда» кўрик-танлов шартлари асосида ёзилган ишлардан намуна.)

БАРКАМОЛЛИК МЕЗОНИ

«Маҳалла — мактаб, фаоллар — мураббий»

Кўп йиллар муаллимлик қилган бу аёл йиғин қошидаги Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссияга раис. У ҳар тонг йиғин идорасига ўл оларкан, «Маҳалла — мактаб, мен эса мураббийман» дея тақдорлайди ва зиммасидаги масъулиятни эсга олади.



Нигора Очилова Қарши шаҳридаги «Маҳаллот» маҳалла фуқаролар йиғини идорасига кириб келгач, раис Мамақул Пулатов билан бутун таълим муассасасида ўтказилиши белгиланган «Маънавият соати»нинг мавзуси ҳақида гаплашди.

— Ўқувчи-ёшлар билан «Тинчлик ва барқарорлик — осуда ҳаёт демак» мавзусида суҳбат уюштириб, ҳозирги таҳликали замонда юртимиз равнақига раҳна солмоқчи бўлган ёвуз кучлар ҳақида уларга тушунча беришни яхши ўйлабсиз, — деди раис. — Эртанги кун эгаларини юртга садоқат руҳида тарбиялаш барчамизнинг зиммасида. Юртбошимиз таъкидлаганидек, ёшларимизнинг маданияти ва фаоллигини ошириш ҳар қачонгиданда муҳим.

Тадбирда ёшларга она Ватанимизнинг буюк келажиги йўлида хизмат қилиш олий саодат экани ҳақида тушунчалар берилди. Турли ёт фоялар таъсирига тушишни олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳусусида фикр алма-

шилди. — Дунёнинг турли минтақаларида ўзаро зиддиятлар, қарама-қаршиликлар кучайиб бораётган бир пайтда биз, устоз-мураббийлар зиммасида фарзандларимизни турли бузғунчи фоялар таъсиридан ҳимоялашдек масъулият турибди, — деди Нигора Очилова. — Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатётган омилларнинг олдини олишда эса маҳалла мутасаддиларининг умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейлар маъмурияти билан йўлга қўйилган мустақам ҳамкорлиги яхши самара берапти. Комиссия таркибидagi етти нафар аъзоннинг 4 нафари педагоглар экани ҳам фикримизга яққол мисол. Ҳафтанинг ҳар жума кунни ота-оналар, психолог ва профилактика нозирлари иштирокида вояга етмаганлар билан суҳбат ўтказамиз.

«Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги жамиятимизнинг мустақам занжирига айланаётир. Маҳалла аздалан мас-

лаҳатлашиб иш тутиш, бирлик, аҳиллик маскани бўлиб келган. Оиладаги нохуш ёки хушхабардан биринчи бўлиб хабар топадиган, ҳамдард ва малҳам бўладиган ҳам маҳалла. Халқимиз узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшнини афзал билади. Оила тинчлиги маҳалланинг, маҳалланинг тинчлиги эса юртнинг тинчлигига таянчдир.

— Бу каби ҳамкорлик туфайли бугун маҳалламизда ёшларни огоҳликка чақариш, маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг олдини олиш бўйича таъсирчан тизим шаклланди, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ибодат Аҳмедова.

Сирасини айтганда, маҳалла фуқаролар йиғинида тарбияга оид масалалар юзасидан таълим муассасалари билан биргаликда амалга оширилаётган хайрли ишлар натижасида келажгимиз ворислари маънан баркамол, жисмонан соғлом бўлиб камол топаётир. Улар ўртасида жиноятчилик, эрта турмуш қуриш каби ҳолатлар умуман қайд этилмаган. Ўтган йилда маҳалла ёшлари «Маҳалла — менинг тақдиримда» кўрик-танловининг вилоят босқичида иккинчи, «Орас-та қизлар давраси» кўрик-танловида биринчи ўринга сазовор бўлди. Маҳаллалар ўртасида ўтказилган барча спорт мусобақаларида ҳам юқори натижаларни қўлга киритиб келмоқда. Эътиборлиси, 2015 йилда маҳалланинг 24 нафар ўғил-қизи олий ўқув юртига ўқишга кириш бахтига муяссар бўлди.

Ҳар қандай давлатнинг истиқболли ўсиб келаётган ёш авлодининг баркамоллигига боғлиқ. Баркамол авлод эса икки омилга — ақдан ва жисмонан соғломликка таянади. Изчил ва самарали таълим-тарбия натижасида ёшлар интеллектуал қобилиятга, кенг қамровли билимга эга бўлади, ўз фикрини мустақил баён эта олади.

■ **Шоҳиста БОЗОРОВА «Mahalla»**

БИЛАСИЗМИ?

Электрон савдодан хабардормисиз?

Бугун уйдан чиқмай керакли маҳсулотларни интернет орқали харид қилиш мумкин. Айни пайтда мамлакатимизда қандай интернет-дўконлар фаолият кўрсатаётганидан, умуман, электрон усулда савдо-сотиб қилишнинг тартибидан хабардормисиз?

Аввало, мамлакатимизда интернет орқали савдо қилиш «Электрон тижорат тўғрисида» ҳамда «Электрон тўловлар тўғрисида»ги қонунлар билан назорат қилинишини таъкидлаш жоиз.

Бугун юртимизда бир қанча интернет-дўконлар, хусусан, uzbekmarket.uz, uyinchoq.uz, uzkitob.uz, audiobook.uz, creditasia.uz, technomart.uz каби сайтлар мижозларга хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари, «Click», «SMS-to-lov», «Mbank» тизимлари ёрдамида коммунал хизматлар, телевидение, мо-



бил алоқа ҳақини, солиқ ва жарималарни тўлаш имконияти мавжуд.

Интернет орқали савдо қилиш вақтни тежайди, ҳисоб-китоб ҳамда тўловларнинг аниқ ва шаффоқлигини таъминлайди. Интернет орқали маҳсулотларга буюртма берилганда, буюртма кўрсатилган манзилга етказиб берилгач, нақд пул, пластик карта ёки электрон тўлов тизимлари орқали ҳисоб-китоб қилиниши мумкин.

■ **Элмурод АБИРОВ.**

ЯХШИЛАР ЁДИ

Яхши ном ва яхши иш мангу қолади

Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар хайрли ишлари билан бир умр ёлғиз қолади. Бундай бағрикенг, юртпарвар инсонларни маҳалла-қўй ҳам эсдан чиқармайди.

Уларнинг ибратли амаллари ёш авлодга ўрнак сифатида кўрсатилиб, оммалаштирилади. Муқаррам ота Имомхўжаев ҳам ана шундай инсонлардан эди. У кишининг суҳбатини олганлар яна бир бор гурунлашсини истарди.

Дарҳақиқат, меҳнатсеварлиги, самимийлиги, камтарлиги билан маҳалладошлари қалбидан жой олган Муқаррам отани Наманган вилояти Чуст тумани Гаво қишлоғидаги ёш қари танирди. У кишининг ҳавас қилса арзигулик ибратли умр йўли маҳалладошларга ўрнак бўлиб қолди.

Муқаррам отанинг хушмуомалалиги, камтарлиги у кишининг чинакам маърифатли

инсонлигидан далолат беради. Қишлоқдаги ёш қарини ўзига яқин олиб қариндош, деб қақирарди. Маҳалладошларини ўз фарзандидек билиб, инсон доимо ширинсўхан бўлиши керак, деб ўқтирарди.

У киши ҳақиқатдўй, ҳалол, инсонларга фақат эзгулик тилайдиган ва уни амалда кўрсата оладиган, маҳалла ва маҳалладошлар деганда жонини ҳам аямайдиган инсон эди. Дарвоқе, буюк француз файласуфи Ларошфуко айтганидек, «Самимийлик софидилликдир, бу фақат ҳаммага ҳам насиб этавермайди».

Ҳақиқатан ҳам, самимийлик камдан-кам одамларда учрайдиган фазилатдир. Муқаррам ота ҳамқишлоқлари, айниқса, ёш авлодга насиҳат қилиб: «Болаларим, бекорчиликка асло одалатманглар, дангасалик оғир қулфатларга олиб келали. Агар инсон меҳнат билан машғул бўлса, оиласи фаровон, бахтли-саодатли, кўзлаган мақсадига эришади, буни асло унутманг», деб ўқтирарди.

Муқаррам ота сермазмун ҳаёт кечириб, 91 йил умр кўрди. Шу мазмунли умр давомида

Тилла танга сотилди



Бобурийлар авлодидан бўлган Жаҳонگیر томонидан 400 йил аввал зарб этирилган тилла танга Мумбайдаги кимошди савдосида 15,5 миллион рупий (235 минг АҚШ доллари)га сотилди.

«gia.ru» сайтида ёзилишича, диаметри 2 сантиметр бўлган тангага 8 миллион рупий бошланғич нарх қўйилган. Яқунда у икки баробар кўп нархга сотилди. Мумбайдаги аукционда мали-



ка Нуржаҳон томонидан чиқарилган танга ҳам харидорини топди: танга 7,6 миллион рупийга сотилди.

Энг баланд бино

Технология соҳасида юксак тараққий этган Япония эндиликда дунёдаги энг баланд бино қуришга киришади. Бу ҳақда «Associated Press» ахборот агентлиги хабар тарқатган.

Кунчиқар юрт муҳандислари 2045 йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган мега лойиҳа доирасида 1,7 километрик осмонпар бино барпо этишади. «Sky Mile Tower» деб номланган бу бино айни пайтда



жаҳоннинг энг баланд иморати ҳисобланган 828 метрлик «Бурж ал-Халифа»дан икки баравар баланд бўлиши кўзда тутилган.

Мактабда йиртқич

Ҳиндистон жанубидаги бир мактаб биносига леопард кириб келган ва беш нафар одамни жароҳатлаган.

Бу ҳақда «india.com» интернет-нашри хабар тарқатди. Қайд қилинишича, мактабда ўқувчилар йўқлиги боис, жабрланганлар сони кам бўлган. Жароҳатланганлардан бири оғир аҳволда шифохонага ётқизилган. Қўриқлаш хизмати ходимлари йиртқични тинчлантириб,



яқиндаги Баннергхата ҳайвонот боғига жўнатишган.

■ **Интернет хабарлари асосида Нурмуҳаммад НОСИРОВ тайёрлади.**

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Mahalla» газетасининг чоп этилган сонларини белгиланган вақтларда Сизнинг манзилингизга етказиб бериш бўйича тахририятнинг қўйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

(0 371) 233-10-92;
Факс: (0 371) 233-10-73.

Обунани ташкил этиш ва тарқатиш бўлими.